

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

КАРИМЖАНОВ ОТАБЕК АБДУҒАФФОР ЎҒЛИ

МАЛАКА ОШИРИШ КУРСЛАРИДА ТИНГЛОВЧИЛАРНИНГ
АХБОРОТЛАР БИЛАН ИШЛАШ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ
(олий таълим муассасалари мисолида)

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Каримжанов Отабек Абдуғаффор ўғли

Малака ошириш курсларида тингловчиларнинг ахборотлар билан ишлаш
компетентлигини ривожлантириш.....3

Каримжанов Отабек Абдуғаффор ўғли

Развитие информационной компетентности слушателей на курсах
повышения квалификации.....26

Karimjanov Otabek

Development of information competence of students in refresher courses.....49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works51

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМӢ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 РАҚАМЛИ ИЛМӢ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

КАРИМЖАНОВ ОТАБЕК АБДУҒАФФОР ЎҒЛИ

МАЛАКА ОШИРИШ КУРСЛАРИДА ТИНГЛОВЧИЛАРНИНГ
АХБОРОТЛАР БИЛАН ИШЛАШ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ
(олий таълим муассасалари мисолида)

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.Phd/Ped490 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tdpu.uz) ва «Ziyouet» ахборот таълим порталида (www.ziyouet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Бегимкулов Уюкбой Шонимкулович**
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Ибрагимов Холбой Ибрагимович**
педагогика фанлари доктори, профессор

Эркабоева Нигора Шерматовна
педагогика фанлари доктори, профессор

Этакчи гашилот: **Наманган давлат университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.01.2020 Ped.26.01.рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил "8" сентябр ҳафтаси 9:00 даги мажлисида булиб ўтди. (Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (99871) 276-80-86; факс: (99871) 276-76-51; e-mail: tdpu_kengash@edu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин 14:00 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (99871) 276-80-86; факс: (99871) 276-76-51.

Диссертация автореферати 2021 йил "28" сентябр кuni тарқатилди

(2021 йил "28" сентябр да 5 -рақамли реестр баённомаси)



Б.С.Абдуллаева
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

Р.Г.Исинов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
котиби, п.ф.н., доцент

Н.А.Мушминов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги семинар раиси, п.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳонда таълим XXI асрда барқарор тараққиётни таъминловчи асосий омил сифатида эътироф этилиб, Корея Республикасида ўтказилган Халқаро таълим форумида 2030 йилгача белгиланган концепцияда “бутун хаёт давомида сифатли таълим олишга имконият яратиш” каби долзарб масалаларга бўлган эҳтиёж янада кучайди¹. Бу малака ошириш курсларида тингловчиларининг ахборот-коммуникация технологиялари бўйича компетентлигини ривожлантириш; уларнинг малака ошириш курсларида ахборотлар билан ишлаш компетентлигини прогностик методлар асосида такомиллаштириш, малака ошириш курсининг ўқув модуллари мазмунини дидактик воситалар асосида такомиллаштириш, малака ошириш курсларида электрон таълим ресурслари орқали ахборот-коммуникация технологиялари бўйича компетентликни ривожлантириш моделини такомиллаштириш бўйича йирик лойиҳалар амалиётга тадбиқ этилмоқда.

Жаҳон таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида мутахассислар касбий компетентлигини ривожлантириш, малака ошириш таълим муассасаларида уларнинг касбий ва шахсий камолотини таъминлаш учун зарур педагогик шарт-шароитларни яратиш, мутахассисларни қайта тайёрлаш мазмуни ва тузилмасини модернизациялаш, педагогик-психологик шароитларини аниқлаш ҳамда унинг сифатини назорат қилиш ва баҳолаш механизминини ишлаб чиқиш орқали мутахассис компетентлигини ривожлантиришга оид илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бунда ўқитувчиларга ахборот-коммуникация воситаларидан оқилона фойдаланишнинг ташкилий ва технологик асосларини лойиҳалаш ҳамда ривожланиш тенденцияларини стратегик лойиҳалаш бўйича илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамизда анъанавий малака ошириш билан бир қаторда касбий ўқувларнинг масофавий (Moodle, E-learning, Web-based training) ва уйғунлашган (blended-learning) шакллари, шунингдек, халқ таълими ходимлари малакасини оширишнинг белгиланган даврийликка риоя қилинган ҳолда, тажриба тариқасида, ходимларни ҳар йили ўқишга жалб қилишни назарда тутувчи кредит-модуль механизминини босқичма-босқич жорий этилди, меърий асослари яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида”ги, 2017 йил 5 июлдаги ПФ-5106-сон “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимининг 2030 йилгача ривожлантириш Концепциясининг тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлари, 2018 йил 14 августдаги ПҚ-3907-сон “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний

¹ Incheon declaration/Education 2030: Towards inclusive and equitable quality education and lifelong learning for all Word Education Forum, 19-22 may 2015, Incheon, Republic of Korea.

баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 15 февралдаги 111-ф-сон фармойиши, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 23 февралдаги 140-сон “Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш тўғрисида”ги қарори ва соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда таълим сифатини такомиллаштиришга доир вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Малака ошириш марказларида тарбиявий жараёнларни ташкил этиш, тингловчиларнинг касбий ва умуммаданий компетенцияларини ривожлантириш, уларнинг малакасини ошириш масалалари А.Д.Асқаров, А.Асқаров, А.Арипджанова, Б.Адизов, Ю.Асадов, А.Абдуқодиров, А.Азизходжаева, У.Бегимқулов, Р.Х.Джураев, Д.И.Закирова, А.Ибрайимов, М.Мирсолиева, Н.Муслимов, Б.Суропов, Ш.С.Шарипов, Ғ.Б.Шоумаров, Т.Шаймардонов, Д.Хидоятова, М.Шодиева, С.Турғунов, М.Юлдашев; таълим мақсадларини диагностика қилиш ва ёшлар тарбияси масаласи Ш.Абдуллаева, О.Мусурмонова, И.Хушмуродова, М.Қуроновлар томонидан тадқиқ этилган.

Малака ошириш тизимида таълим жараёнини инновацион ташкил этиш, таълим жараёни иштирокчилари фаолиятини ахборот-коммуникацион технологиялар асосида мувофиқлаштиришнинг педагогик шарт-шароитлари Н.Анохина, А.Андреев, О.Атласова, В.Беспалько, З.Бердникова, Е.Гришина, С.Годниш, А.Дунаева, Н.Кичук, А.Некрасов, Е.Полат, Е.Тонконогая ва бошқалар илмий ишларида атрофлича ўрганилган.

Малака ошириш марказларида таълим технологияларини такомиллаштириш, таълим сифати бошқарувининг узлуксиз таълимда олиб борилаётган ислохотларнинг умумий жараёни сифатида ўзаро алоқадорлигини белгилайдиган омиллар хорижлик мутахассис олимлар А.Puankare, F.Galtom, M.Born, J.Goldberg, R.Feynman, D.Westerheijden тадқиқот ишларида акс этган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган ПЗ-2017927124 рақамли «Таълим муассасаларида ҳамкорлик асосида педагогик фаолиятни ривожлантириш» мавзусидаги амалий лойиҳа (2018-2020 й.) доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади олий таълим муассасалари педагог кадрлари малакасини ошириш курсларида тингловчиларнинг ахборотлар билан ишлаш

компетентлигини ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқаришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

малака ошириш курсларида тингловчиларнинг ахборот-коммуникация технологиялари бўйича компетентлигини ривожлантиришнинг назарий-методологик жиҳатларини педагогик-психологик таҳлил этиш;

тингловчиларининг малака ошириш курсларида ахборотлар билан ишлаш компетентлигини прогностик методлар асосида такомиллаштириш;

малака ошириш курсининг ўқув модуллари мазмунини дидактик воситалар асосида такомиллаштириш;

малака ошириш курсларида электрон таълим ресурслари орқали ахборот-коммуникация технологиялари бўйича тингловчилар компетентлигини ривожлантириш моделини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчиларнинг малака ошириш курсларида ахборотлар билан ишлаш компетентлигини ривожлантириш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларига Тошкент давлат педагогика университети, Навоий давлат педагогика институти, Жиззах давлат педагогика институти малака ошириш курслари тингловчиларидан 326 нафари жалб этилган.

Тадқиқотнинг предмети малака ошириш курсларида олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчиларининг ахборот-коммуникация технологиялари бўйича компетентлигини ривожлантиришнинг шакли, восита ва методлари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида қиёсий таҳлил, кузатиш, суҳбат, ташхислаш, сўровнома, тест, тажриба-синов, мониторинг, педагогик тажриба-синов, натижаларини математик-статистик қайта ишлаш усулларида фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

тингловчиларнинг ахборотлар билан ишлаш компетентлиги касбий фаолиятга алоқадор ташкилий компонентларни мазмунли-акмеологик ва дидактик алгоритмга мутаносиб тарзда қўллаш асосида такомиллаштирилган;

малака ошириш курсларида тингловчиларнинг интеллектуал ҳаракатчанлиги ўқитувчининг ўзини ўзи фаоллаштиришининг акмеологик, шахсга йўналтирилган эҳтиёжлари, индивидуал таълим траекторияларини башоратли белгилаш асосида ривожлантирилган;

малака ошириш курсларида тингловчиларнинг ахборотлар билан ишлаш бўйича компетентлигини ривожлантириш модели ўқув жараёни субъектларининг акмеологик, ўзгарувчанлик самарадорлигини оширишнинг амалий-технологик тизимини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг янги векторига моделлаштириш асосида такомиллаштирилган;

малака ошириш курслари тингловчиларининг ахборот билан ишлаш кўникмалари ижодий фикрлаш, коммуникатив диалог ва акс этувчи

кобилиятларни ривожлантиришга педагогик таъсир воситалари таркибини вақтинчалик ва фазовий чегараларни белгилаш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

малака ошириш курсларида тингловчиларнинг ахборот билан ишлаш компетентлигини ривожлантиришга оид методик тавсиялар ишлаб чиқилган;

тингловчиларнинг ахборот билан ишлаш компетентлигини ривожлантириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

диссертация материаллари ва хулосаларидан таълимнинг узлуксиз босқичларида “Ҳарбий ватанпарварлик тарбияси”, “Тактик тайёргарлик”, “Офицер назокати” ўқув модуллари такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги тадқиқот методологик базасининг таъминланганлиги, расмий манбалардан, маълумотлардан фойдаланилганлиги, эмпирик миқдорларнинг математик статистика усуллари ёрдамида таҳлил қилинганлиги, хулоса ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олий таълим муассасалари педагог кадрларини малакасини ошириш курсларида тингловчиларнинг ахборот-коммуникация технологиялари бўйича компетентлигини ривожлантириш юзасидан ишлаб чиқилган ўқув-услубий қўлланмалар, методик тавсиялар педагог кадрларни қайта таёрлаш ва малакасини ошириш тизимида фойдаланишлари мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, хулосалар ва ишлаб чиқилган тавсиялар тингловчиларнинг ахборот билан ишлаш компетентлигини ривожлантириш жараёнларини ташкил этиш, мазмунини бойитиш, сифат ва самарадорлигини оширишга ижобий кўрсаткичга олиб бориши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Малака ошириш курсларида тингловчиларнинг ахборот билан ишлаш компетентлигини ривожлантириш юзасидан ишлаб чиқилган услубий ва амалий таклифлар асосида:

тингловчиларнинг малака ошириш курсларида ахборот билан ишлаш компетентлигини ривожлантириш мезонлари (мотивацион, когнитив ва фаолиятли-рефлексив)ни ўқитувчининг таянч, хусусий, ва методик компетентлигини диагностик лойиҳалашга оид таклифлар олий таълим муассасалари педагог кадрларининг малакасини ошириш мазмуни ва сифатига қўйиладиган ДТС ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 18 декабрдаги 89-03-5349-сон маълумотномаси). Натижада, назарий-методологик ҳамда педагогик-психологик таҳлил этиш ҳисобига тингловчиларда ахборот билан ишлаш компетентлигини ривожлантириш босқичларини такомиллаштирилган;

малака ошириш курсларида ахборот билан ишлаш босқичлари даврийлиги прогностик методларни такомиллаштиришга оид таклифлар

Тошкент давлат педагогика университетида 2018-2020 йилларда бажарилган ПЗ-2017927124 рақамли «Таълим муассасаларида ҳамкорлик асосида педагогик фаолиятни ривожлантириш» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 18 декабрдаги 89-03-5349-сон маълумотномаси). Натижада, ахборот билан ишлаш компетентлигини прогностик методларни такомиллаштириш ҳисобига дидактик ва ўқув-услубий мажмуаларни такомиллаштириш имконияти яратилган.

малака ошириш курслари ўқув модуллари мазмуни, табиий ва виртуал муҳит шакллари, мотивацион модулли ёндашув ҳамда малака ошириш курсларида ахборот билан ишлаш компетентлигини ривожлантириш моделини такомиллаштиришга оид таклифлар “Умумий педагогика” дарслиги мазмунига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 18 декабрдаги 89-03-5349-сон маълумотномаси). Натижада, малака ошириш курсининг ўқув модуллари мазмунини дидактик воситалар асосида такомиллаштириш ҳисобига тингловчиларда ахборот билан ишлашнинг диагностик тизими такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация натижалари 7 та республика ва 2 та халқаро илмий-амалий конференцияда мақола муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 9 та илмий иш чоп этилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини эълон қилиш учун тавсия этилган нашрларида 6 та мақола, шундан 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, асосий матн 139 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертациянинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги баён этилган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети аниқланган. Тадқиқот ишининг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги, илмий янгилиги, натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган. Шунингдек, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши ва мавзу юзасидан эълон қилинган илмий ишлар ҳамда диссертацияга оид маълумотлар ўз ифодасини топган.

Диссертациянинг “**Малака ошириш курсларида тингловчиларнинг ахборот билан ишлаш компетентлигини ривожлантиришнинг назарий-методологик асослари**” деб номланган биринчи бобида, педагог кадрлар

компетентлигини ривожлантиришнинг педагогик-концептуал моҳияти ўз ифодасини топган. Унда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг камровли ислохотлардан кўзланган мақсадга эришишда, таълим соҳаси муҳим аҳамият касб этиши, кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимининг натижавийлиги ва фаолият самарадорлигини замонавий талаблар асосида такомиллаштиришнинг назарий асослари ёритилган.

Малака ошириш курсларида тингловчиларнинг андрогогик таълимини ташкил этиш хусусиятларидан келиб чиқиб, таълим мазмунини шакллантиришнинг қуйидаги мезонларига амал қилинади:

тингловчининг ўқиш жараёнидаги етакчилик роли, мақсадга эришиш, мустақиллик, ўзини-ўзи бошқариш имкониятининг таъминланганлиги;

тингловчининг ҳаётий тажрибасидан ўзини ва ҳамкасбларини ўқитишда муҳим манба сифатида фойдаланиш;

таълим жараёнида олинган билим, кўникма ва малакаларни қўллаш имконияти;

профессор-ўқитувчининг таълимнинг барча (режалаштириш, амалга ошириш ва баҳолаш) босқичларида тингловчи билан ҳамкорликдаги фаолияти.

“Компетенция” педагогик ҳодиса сифатида илмий тадқиқотларда XX асрнинг 1970 йилларидан ўрганила бошланган.

Академик В.А.Сластенин компетентлиқни – “шахснинг коммуникативлик, мулоқотмандлик, конструктивлик, ташкилотчилик қобилиятлари мажмуи” сифатида тадқиқ этган.

Миллий педагогикада “компетенция” атамаси XX асрнинг 90-йилларида фанга кириб келди.

Педагогика соҳасида тадқиқот олиб борган М.Очилов ва У.Иноятов **компетентлик**ни шахснинг махсус фаолияти сифатида баҳолайди ва фаолият натижасида шахснинг ижтимоий ҳамда технологияга асосланган қобилиятларини намоён этиш, меҳнатни тўғри тақсимлай олиш лаёқатини мужассамлаштириш деб илмий асослайди.

Компетенция муайян муаммо, масала ва ҳодиса сифатида шахснинг билим, тажриба, мутасаддиликка эга бўлиши ва уларни ҳал қилишга етадиган салоҳияти сифатида тушунилади¹. Демак, ўқитувчида компетенция шакллари умумий ва махсус тарзда намоён бўлади.

“Компетентлик” воқеа-ҳодисалар, масалалар ечими тўғрисида хабардор бўлиш ва муайян нуфузга эга бўлишни ўзида ифода этади².

Таҳлил қилинган диссертациялар, илмий ишланмалар ва танқидий таҳлиллар натижасида, муаммога тегишли илмий, методик адабиётларда таълим тизимида фаолият олиб бораётган профессор-ўқитувчиларнинг ахборот билан ишлаш компетентлигини ривожлантириш муаммоларига бағишланган илмий ишланмалар етарлича шаклланмаганлигини кўрсатади.

¹ Джон Равен. Развитие способностей. –Москва: Гранд, 2009. –С.132.

² Очилов М. Ўқитувчи одоби ва назокати. –Тошкент: Ўқитувчи, 2008. –Б.43.

Ривожланган мамлакатларда ўқитувчилар малакасини ошириш табақалаштирилган тарзда олиб борилиб, ахборот билан ишлаш катта қизиқиш уйғотган (бу кўп жиҳатдан таълимни ахборотлаштириш билан боғлиқ).

Шунингдек, ушбу бобда малака ошириш жараёнида ахборот билан ишлаш воситаларини таълим компонентлари билан ўзаро боғлиқликда ва алоқадорликда амалга оширилиши кўрсатилган. Бироқ, малака ошириш жараёнида ахборот билан ишлашни қўллашда айрим муаммолар кўзга ташланмоқда:

биринчидан, малака ошириш курсларида ахборот билан ишлашни қўллаш замирида таълим эҳтиёжларини қондиришга етарлича мослаштирилмаган, яъни ахборот коммуникация технологиялари ахборот айирбошлаш, таълим субъектлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқалари етарли даражада шакллантирилмаган;

иккинчидан, малака ошириш курсларида тингловчиларни ахборот билан ишлашни таъминлашга қаратилган фаолияти ахборот маконидаги очиқлик контекстида намоён бўлмаётганлиги;

учинчидан, ўқув, илмий-педагогик фаолиятга тааллуқли ишларни ахборот контекстида ташкил этилиши (таълим иштирокчиларининг педагогик маслаҳатлардаги иштироки, кўрик-танловлар, ҳарбий сафланиш, ҳарбий кўшиқ ва эстрада ғолиблари, қайта аттестациядан ўтган тингловчиларнинг аттестация натижалари, профессор-ўқитувчилар томонидан қўлга киритилган ютуқлар, уларнинг вебинар ва брифинглардаги иштироки, Web of Science ва Scopus маълумотлар базасига кирувчи журналлардаги нашр ишлари ва бошқа маълумотлар)ни назорат қилиш, тартибга солиш ва коррекциялашга эътиборнинг сустлиги;

тўртинчидан, таълим муассасаси веб-сайтларида, ижтимоий тармоқларда малака ошириш курси тингловчиларига дахлдор ахборотнинг етишмаслиги, ахборот хизматларини ташкил қилиш ва мувофиқлаштириш сифатида қайта ташкил этилмаганлиги.

Малака ошириш тизимини ўрганиш натижасида, педагогик кадрлар малакасини оширишнинг мослаштирувчи, тўлдирувчи ҳамда инновацион каби умумий функциялари мавжудлиги аниқланди. Мослашиш функциясининг моҳияти тингловчиларни замонавий таълимий вазиятларга, билим, кўникма ва малакаларини шу куннинг ижтимоий-педагогик талабларига мослаштиришга йўналтиришдан иборатдир.

Малака ошириш тизимида бошқарувни такомиллаштиришда, тингловчиларни фаолият олиб бораётган жараёнида таълимни сифатли ташкил этишда қуйидаги ишлар амалга оширилди:

- Малака оширишни режали амалга оширишда фаолиятни илмий асосда ташкил этиш;

- Таълим мазмуни ва сифатига қўйиладиган давлат талабларини ишлаб чиқиш ва ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтказиш;

- Таълимнинг табақалаштирилган таянч ўқув режалари ва ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

- Малака ошириш тармоқ марказлари профессор-ўқитувчилари таркибини сифат жиҳатидан такомиллаштириш ва узвий равишда малакасини ошириб бориш;

- Малака ошириш курсларида ўқув жараёнини андрогогика фанининг талаблари асосида ташкил этиш ва таълим жараёнига ўқитишнинг инновацион технологиялари ҳамда самарали методларини жорий этиш;

- Таълим сифати (профессор-ўқитувчилар томонидан дарсларни ўтиш сифати, тингловчилар билими, кўникма ва малакаларини дастлабки, оралик ва якуний) назоратини ташкил этишнинг механизм ва воситаларини замонавий талаблар асосида такомиллаштириш.

Малака ошириш курслари жараёнида тингловчилар билан олиб бориладиган маънавий-маърифий ишлар савиясини ошириш.

Таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ҳамда таълим жараёнига ахборот билан ишлашни жорий этиш.

Олий таълим тизими ходимларининг малака оширишдан кейинги фаолият самарадорлиги мониторинги механизмини ишлаб чиқиш ва жорий этиш.

Малака ошириш курсларида тингловчиларни ахборот билан ишлаш компетентлигини ривожлантиришда қуйидаги йўналишлар муҳим бўлиб ҳисобланади.

Биринчи йўналиш, малака оширишни ташкил этишни режалаштиришга доир фаолиятни илмий асосда ташкил этиш. Тингловчи контингентини малака ошириш тармоқ марказлари профессор-ўқитувчиларини дарс соатлари билан таъминлаш нуқтаи назаридан эмас, балки таълим муассасаларининг эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда таълимни бошқариш ҳудудий органлари томонидан тақдим этилган буюртмалар асосида шакллантириш амалиётини йўлга қўйиш. Натижада, малака ошириш бўйича компьютерлаштирилган маълумотлар базаси ташкил қилинади ва буюртмачилар билан ҳамкорликда малака ошириш режаларини шакллантириш йўлга қўйилади ва 5 йилдан ортиқ даврда малака оширмаган (15%) ва аксинча 3-5 йил ичида икки ва ундан кўп марта малака оширган ходимлар сонининг кескин камайишига олиб келади.

Иккинчи йўналиш сифатида малака ошириш курсларида фаолият олиб бораётган ўқитувчиларнинг ахборот билан ишлаш бўйича компетентлигини ривожлантириш талаблари ишлаб чиқилиши лозим.

Малака ошириш курслари тингловчиларининг ахборот билан ишлаш бўйича компетентлигини ривожлантириш тизимини тадқиқ қилиш мақсадида тадқиқотда (2017-2020 йй.) малака ошириш курсларида фаолият олиб борган педагогларнинг ахборот билан ишлаш компетенциялари ўрганилиши натижасида, тингловчиларни ахборот-коммуникация технологиялари бўйича компетентлигини ривожлантириш муаммолари асосида таълим сифатини

такомиллаштиришга қаратилган тизимли механизмни ишлаб чиқиш заруратини келтириб чиқаради.

Доимий асосда фаолият кўрсатувчи ўқув курслари республикамизнинг малака ошириш ҳудудий марказлари, тармоқ марказларда амалга оширилади. Малака ошириш курслари тингловчиларининг ахборот билан ишлаш бўйича компетентлигини ривожлантириш учун мазкур марказлар вазирлик томонидан тасдиқланган дастур асосида Бош илмий методик марказ тармоғида методика кунларда ташкил этиладиган ўқув машғулотларида ўз билим, кўникма ва малака савияларини ошириб боришлари назарда тутилади.

Малака ошириш курслари тингловчиларининг касбий маҳоратини юксалтиришда ахборот билан ишлаш бўйича компетенциялар медиа манбалардан зарур маълумотларни излаб топа олиш, саралаш, қайта ишлаш, сақлаш, улардан самарали фойдаланиш, маълумотлар хавфсизлигини таъминлаш кўникмаларини эгаллашни ҳамда медиа маданиятга эга бўлишни назарда тутади.

Малака ошириш тизимида тингловчиларни ахборот билан ишлаш асосида компетентлигини оширишга қаратилган ҳамда олий таълим тизимида рўй бераётган шиддатли ўзгаришларга мутаносиб ва ҳозиржавоб механизмнинг етарлича шаклланмаганлиги ҳамда алоҳида педагогларнинг долзарб талаблардан ортда қолаётгани бугунги кунда мазкур йўналишда бир қанча зиддиятлар мавжудлигини кўрсатади:

таълим мазмунини шакллантиришга билим, кўникма ва малакага йўналтирилган ёндашиш, малака ошириш намунавий дастурларининг устуворлиги, шунингдек, уларни ўзлаштиришнинг ривожланувчи касбий фаолият масалаларини ҳал қилишнинг самарали усуллари ўзлаштириш имкониятини беролмайдиган анъанавий шакл ва методлари;

тингловчиларни малака оширишдан кейинги фаолияти самарадорлиги мониторингининг йўлга қўйилмагани;

тизимда кадрлар тайёрлаш самарадорлигини ошириш учун таълимнинг етакчилари ҳисобланган педагоглар ва амалиётчи раҳбарларнинг инновацион салоҳиятидан самарали фойдаланиш механизмларининг йўқлиги;

тингловчиларни малакасини оширишни жойлардан олинган буюртмалар эмас, балки малака ошириш таълим муассасасининг эҳтиёжларидан келиб чиқиб ташкил этилиши;

тингловчиларни малакасини ошириш таълимида уларнинг ахборот билан ишлаш компетентлигини оширишга эҳтиёжнинг кучайганлиги;

малака ошириш курсларида тингловчиларни компетентлигини ривожлантириш тизимининг ўқув-услубий таъминоти сифатининг талаблар даражасида эмаслиги;

малака ошириш таълими муассасалари ва тармоқ марказлари таркибий тузилмаси уларнинг зиммасига юклатилган вазифалар ва мавжуд муаммоларни баратараф этишга мослашмаганлиги;

малака ошириш таълими муассасалари моддий-техника базасининг такомиллаштиришга муҳтож эканлиги.

Мазкур зиддиятлар малака ошириш курсларида тингловчиларни ахборот билан ишлаш компетентлигини ривожлантириш таълим муассасаларининг ички бошқаруви фаолиятида ҳам мавжудлиги кузатилди:

малака ошириш таълим муассасалари ички бошқарувида кўпроқ катъий маъмурий қоидаларга асосланган ёндашувга амал қилиниши;

таълим муассасаси ривожига таалукли барча қарорлар ректор, директор ва унинг ўринбосарлари томонидан қабул қилиниши;

педагоглар жамоаси бошқарувда иштирок этмаслиги, уларга фақат ижрочилик ролининг топширилгани;

таълим муассасаси бошқарувининг директив хусусиятга эга эканлиги; аксарият малака ошириш таълим муассасаларининг истикболда қандай бўлиши лойиҳасининг йўқлиги;

мақсад ва режаларнинг мавҳумлиги кўзланаётган натижалар назоратининг мавҳумлиги;

инновациялар ва таълим жараёнига ахборот коммуникация технологияларини қўллаш таълим муассасаси фаолиятида қандай сифат ўзгаришларга олиб келишига боғлиқ бўлмаган ҳолда жорий қилиниши;

аксарият инновацияларнинг мантиқий якунига етказилмаслиги ва бошқалар.

Малака ошириш курсларида тингловчиларни ахборот билан ишлаш компетентлигини ривожлантириш тизимининг механизмини яратиш каскад шаклида малака оширишдан фарқланувчи қуйидаги вазифаларни босқичма-босқич бажаришни талаб қилади:

малака ошириш курсини ўқитиш методикаси бўйича қисқа муддатли модулнинг ўқув-услугий таъминотини бир марта тайёрлаш эмас, балки мунтазам ўтказиб бориладиган доимий ҳаракатдаги курсларнинг ўқув-услугий таъминотини узлуксиз ривожлантириб, янгилаб бориш (яратиш);

яратилган ўқув-услугий таъминотни курсларда дарс машғулотларини олиб боровчилар ва тингловчиларга ўз вақтида етиб боришини таъминлаш;

қисқа муддатли курсларда машғулотларни олиб боровчи малака ошириш тизими педагогларини модератор ва тьютор сифатида тайёрлаш ва уларнинг маҳоратини узлуксиз такомиллаштириб бориш;


малака ошириш бўйича доимий ҳаракатдаги курсларда таълим сифати ва самарадорлигини таъминлаш;

малака ошириш курси тингловчиларининг билим, кўникма ва малакаларини доимий мониторингини олиб бориш;

малака ошириш курси тингловчиларининг билимини жорий, оралик ва якуни бўйича компетентлигини ривожлантириш тизимининг механизмини узлуксиз такомиллаштириб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Малака ошириш курси тингловчиларини касбий салоҳияти ва педагогик маҳоратини такомиллаштиришнинг механизми педагог кадрлар малакасини оширишга мутлақо янгича ёндашувни, яъни уларни ўз иш жойларидан ажралмаган ҳолда махсус тайёрланган модератор ва тьюторлар устозлигида доимий асосда фаолият кўрсатувчи ўқув курсларида таълим

олишларини назарда тутати. Малака ошириш курси тингловчиларини компетентлигини ривожлантириш тизимининг механизми қуйидаги расмда келтирилган (1-расм).



1- расм. Малака ошириш курси тингловчиларини ахборот билан ишлаш компетентлигини ривожлантириш тизими

Диссертациянинг иккинчи боби “Малака ошириш курсларида тингловчиларнинг ахборот билан ишлашининг педагогик шарт-шароитлари” деб номланиб, унда тингловчиларни малака ошириш курсларида илғор хорижий тажрибалар асосида ахборот билан ишлашни қўллаш, таълим жараёнида илғор педагогик услуб ва технологиялар, электрон таълим ресурслари ва мультимедиа такдимотларидан фойдаланиш борасидаги фаолиятини такомиллаштириш масаласи ўз аксини топган.

Бунда малака ошириш таълими мазмунини ходимларнинг касбий фаолият хусусиятларидан келиб чиқиб белгилашда “Таълим ходимлари асосий лавозимларининг малака тавсифлари” асосий манба сифатида хизмат қилди.

Малака ошириш курсларининг табақалаштирилган ўқув режалари ва намунавий ўқув дастурларини ишлаб чиқиш муаллифнинг бевосита раҳбарлиги ва иштирокида, тажрибали мутахассисларни жалб этган ҳолда амалга оширилди. Таянч ўқув режа ва намунавий ўқув дастурлари ўрнига, таълим жараёнида замонавий педагогик ва ахборот билан ишлашни қўллаш талаблари асосида малака тоифаси хусусиятларини ҳисобга олувчи 3 та такомиллаштирилган тажрибавий ўқув режалари ишлаб чиқилди. Малака ошириш курсларида фаолият олиб бораётган ўқитувчиларнинг малака ошириш жараёнида ахборот билан ишлаш компетентлиги уларнинг вебинарлардаги иштироки, веб-квест технологияларини жорий этиш орқали амалга оширилди, ҳар бир блок якунида тугалланган ўқув модуллари бўйича

ўтказиладиган чиқиш тест синовлари on-line ва of-line режимида олиб борилди.

Тадқиқот доирасида малака ошириш курслари тингловчиларининг касбий ривожланишини тавсифловчи мезонлар ишлаб чиқилди (1-жадвал).

1-жадвал

**Малака ошириш курслари тингловчиларининг касбий
ривожланишини тавсифловчи мезонлар**

№	МЕЗОНЛАР	НАТИЖАВИЙЛИГИ
1	Малака ошириш курслари тингловчиларини дарс машғулотларини ахборот-коммуникация ва мультимедиа воситалари асосида ташкил қилиши	Истикбол режасининг бажарилиши кафолатланади, таълим сифати ошади
2	Педагогик нашрлар ва ОАВда мақолалар, дарслик, монография, услубий қўлланма ва тавсиялар чоп этиш, интернет-ресурсларида методик ишланмаларни жойлаштириш	Малака тоифасининг ўсиши
3	Малака ошириш курслари тингловчиларини ахборот-коммуникацияларни қўллаган ҳолда семинар, конференцияларда соҳага оид маърузалар билан иштироки	Маҳорат дарслари ва семинар-тренинглари ўтказиш
4	Малака ошириш курслари тингловчиларини курслар оралиғида малакасини оширганлиги (<i>қисқа муддатли ва мақсадли курслар, семинар, тренинг ва бошқалар</i>)	Турли таълим лойиҳа-лари ва танловлардаги иштироки
5	Инсонпарварлик ғояларига садоқатлилиқ; миллий ғоя тушунчалари асосида миллий мафқурани шакллантириш ҳамда унинг асосий тамойилларини таҳсил олувчилар онгига сингдириш	Ватанпарварлик, дахлдорлик туйғуларининг ошиши, фуқаролик позициясининг ўсиши
6	Малака ошириш курсининг туркум фанлар мазмунини инновацион технологиялар асосида мунтазам такомиллаштириб бориши	Касбий, умуммаданий, шахсий ва махсус компетенцияларнинг ривожланиши

1-жадвалда ифодаланганидек, малака ошириш курсларида тингловчиларни касбий ривожланишини тавсифловчи мезонлар тингловчиларнинг дарс машғулотларини ахборот-коммуникация, мультимедиа воситалар асосида ташкил қилиши, ахборот-коммуникация бўйича компетентлигининг мунтазам ривожлантиришида ўз аксини топади.

Юқорида қайд этилганлардан келиб чиқиб, малака ошириш таълимига қўйиладиган давлат талаблари таҳлил этилди ва малака ошириш тизимида фаолият олиб бораётган ўқитувчиларнинг касбий фаолияти хусусиятлари, эҳтиёжлари, касбий ривожланиши талаблари ва таълимдаги илғор технологияларни ўзлаштириш зарурияти ҳисобга олинди.

2017-2020 йиллар давомида тингловчиларни малакасини ошириш жараёнида ахборот билан ишлашни қўллаш шуни кўрсатдики, малака ошириш курсларидаги таълим сифати мазкур йўналишда амалга оширилган тизимли ислохотлар замирида тингловчиларнинг билим савиясида, барқарор ижобий динамикани таъминлаганини, уларнинг курс боши ва якунида ўтказиладиган тест синовларидаги натижаларини таҳлил қилиш орқали


кузатилди. Мазкур таҳлиллар 2017-2018, 2018-2019, 2019-2020 йиллар давомида ҳудудий ва тармоқ марказларида амалга оширилган ислоҳотларнинг натижаларига нисбатан келтирилган бўлиб, бунда назорат ва тажриба гуруҳлари сифатида олинаётган тингловчилар бир вақтда эмас, балки бир неча ой фарқ қиладиган муддатларда ўқитилган.

2-жадвал

Назорат ва тажриба гуруҳлари тингловчилари сонининг ойлар бўйича тақсимланиши

Йил	Малака ошириш курслари ўтказилган ойлар ва тингловчилар сони										
		I	II	V		I	X	X	I	II	Жами
2018	4	5	3	5	5	5	5	5	5	5	247
2019	5	5	4	5	5	5	5	5	5	5	249

Тажриба гуруҳи ҳудудий ва тармоқ марказларида амалга оширилган ислоҳотлар шароитида, жумладан, курслардаги ўқув жараёни блок-модул шаклида ташкил этилган даврда (2018 йилда) ўқитилганлиги сабабли тингловчиларнинг курс сўнггидаги натижалари назорат гуруҳининг тегишли даврдаги (2019 йилнинг мос ойлари) курс сўнггидаги натижаларига нисбатан сезиларли даражада (6-11 қийматга) ўсишни кўрсатди (2-расм).



2-расм. Ҳудудий ва тармоқ марказларида амалга оширилган ислоҳотларнинг натижаларига назорат ва тажриба гуруҳларининг курс сўнггидаги натижалари

Келтирилган жадвал ва диаграммадан кўриш мумкинки, 2019 йилда малака ошириш курслари ўқув жараёнига киритилган ўзгаришлар таълим самарадорлигини 2018 йилдагига нисбатан ошишини таъминлаган.

Таққосланаётган йилларда тингловчиларнинг курс боши ва сўнггида тест синови натижаларини солиштириш мақсадида уларнинг ўртача қиймати ҳар бир ой учун алоҳида ҳисоблаб чиқилди. Масалан, 2018


йилнинг январида 247 нафар тингловчининг курс бошидаги тест синовида берган тўғри жавоблари сони кўшилди ва натижа 247 га бўлинди.

3-жадвал

Тест саволлари тузилган ўқув модуллари ва модуллар бўйича тест саволлари миқдори

Т/р	Ўқув фанлари, фан модуллари ва блокларининг номлари	Умумий ўқув юклама ҳажми		Ўқув блоки ва фанлари бўйича тест саволлари сони
		Соат	%	
1	Ижтимоий фанлар	26	18,1	18
1.1	Иқтисодиёт масалалари	6		4
1.2	Ҳуқуқ масалалари	6		4
1.3	Миллий ғоя ва маънавият асослари	14		10
2	Умумқасбий фанлар	28	19,4	20
2.1	Педагогиканинг долзарб масалалари	8		6
2.2	Психологиянинг долзарб масалалари	12		8
2.3	Ахборот технологиялари	8		6
3	Мутахассислик фанлари	82	56,9	62
3.1	ЧХТ ўқув курсининг назарияси ва ўқитиш методикаси	38		36
3.2	Фанни ўқитишда педагогик технологиялар	18		10
3.3	Фанни ўқитишда ахборот технологиялари	12		8
3.4	Хорижий тил асослари	8		8
3.5	Танлов мавзулари	6		
4	Институт ихтиёридаги соатлар	8	5,6	
4.1	Долзарб мавзулар	8		
	Ҳаммаси	144	100,0	100

Якуний назорат синовларини муваффақиятли топшира олмаган тингловчиларнинг якуний тест синовида зарур миқдордаги (56) балларни йиға олмаган тингловчилар сонининг 2018-2019 йиллар давомида барқарор камайиб боргани (3-расм) малака ошириш курсларида таълим сифати ва самарадорлигининг ошиб борганини кўрсатади.



3-расм. 2017-2020 йилларда якуний назорат синовларини муваффақиятли топшира олмаган тингловчилар сони

Тадқиқотни олиб бориш даврида малака ошириш курслари тингловчиларини ахборот билан ишлаш компетентлигини ривожлантириш механизмини амалиётда қўллаш учун: анкета, тушунтириш, муаммоли вазият, педагогик кузатиш ҳамда интерфаол методлар, кейс-стади ва веб-квестлар танланди.

Ахборот-коммуникацион воситалар асосида тингловчиларнинг билим ўзлаштиришини таҳлили қуйидаги босқичларда амалга оширилди:


1-босқич: Билиш – ўрганилган материалларни эслаб қолиш ва қайта тушунтириб бериш учун ахборот базасида маълумотларни тўплаш.

2-босқич: Кўникма, малакаларга эга бўлиш – ўрганилган билимларни таниш вазиятларда ахборот коммуникация воситалари асосида қўллаш олиш;

3-босқич: Компетенцияларни эгаллаш – ўрганилган билим ва шакланган кўникмаларни нотаниш вазиятларда қўллаш олиш.

4-даража: Компетент бўлиш – эгалланган билим, кўникма ва малакаларини ўз шахсий, касбий ва ижтимоий фаолиятида амалий қўллаш олиш ва янги билимларни ҳосил қила олиш лаёқатига эга бўлиш.


Малака ошириш курси тингловчиларида ахборот билан ишлаш бўйича компетентлигини ривожлантириш босқичлари қуйидагича олиб борилди (4-расм).



4-расм. Малака ошириш курсларида ахборот билан ишлаш бўйича компетентликни ривожлантириш босқичлари

Тадқиқот доирасида малака ошириш курслари тингловчиларини ахборот-коммуникация технологиялари бўйича компетентлигини ривожлантириш модели ишлаб чиқилди ва амалиётга татбиқ этилди (4-жадвал).

4-жадвал. Малака ошириш курслари тингловчиларини ахборот билан ишлаш компетентлигини ривожлантириш модели



